

Маурат



Уз1
Мз4

Нашрга тайёрловчи
Абдурашид Абдуғафуров

Машраб

Танланган асарлар.
Нашрга тайёрловчи А. Абдуғафуров.
Т., Уздадабийнашр, 1963. 216 бет. Машраб.
Избранные произведения.

МАШРАБ

Бобораҳим Машраб адабиётимиз тарихида ўзига хос ёрқин саҳифа очган, жозибадор асарлари билан кенг халқ оммаси ўртасида катта шуҳрат қозонган машҳур ўзбек шоирларидан биридир. Унинг кучли сатирик характердаги асарлари, ажойиб лирик ғазаллари, мустазод ва мухаммаслари неча асрлардан бери севиб ўқилмоқда.

Машраб 1640 йилда камбағал бўзчи оилада дунёга келади. То кейинги йилларгача Машраб ҳақида ёзилган илмий асарларда шоирнинг туғилган ери Наманган деб келинар эди. Шунга нисбат берилиб революциягача кўчирилган ёки нашр этилган деярли ҳамма манбаларда ҳам, революциядан кейин майдонга келган асарларда ҳам Машраб Намангоний деб юритилар эди.

Аmmo Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Ғафур Ғулом, шунингдек, филология фанлари кандидати А. Ҳайитметов ўртоқлар шоир замонида яратилган кўл ёзма манбага асосланиб, бу фикрга таҳрир киритдилар — шоирнинг туғилган ери Намангон эмас, балки Андижон, деган фикрни олдинга сурдилар¹.

Демак, илмий адабиётда шоирнинг туғилган ватани ҳақида икки хил қараш мавжуд. Биз бу ўринда мунозарага киришмай туриб, материал

¹ Қаранг: Ғафур Ғулом. Икки Машраб – “Қизил Ўзбекистон”, 1959, 12 июль, А.Ҳайитметов. Бобораҳим Машраб. Машраб, “Танланган шеърлар”. Тошкент, 1958.

сифатида Машраб асарларидан қуйидаги парчаларни келтиришни фойдадан холи эмас деб ҳисоблаймиз:

Намангон шаҳридин, дўстлар, мени меҳмонларим келди,

Отам бирла онамни билгучи ёронларим келди...

...Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим,

Асли зотимни сўрасанг мен ўзим Хўқониман...

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,

Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман...

Беруний номли Шарқшунослик институти қўл ёзмалар фондида 225, 7844 ва 1017-инвентарь рақамлари остида сақланувчи қўл ёзмалардан келтирилган бу парчаларнинг бирида Машраб ота-онасининг Намангонда туришига ишора қилса, иккинчи парчада эса, ўзининг намангонлик эканини очиқ ёзади. Бу ўринда шоир асарларида Намангоннинг жуда кўп тилга олинишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Кўриниб турибдики, қўл ёзма манбаларда бўлганидек, шоир асарларининг ўзида ҳам туғилган жойи тўғрисида турлилик мавжуд. У бир ўринда Қўқонни кўрсатса, иккинчи ерда Намангонни ўз ватани деб атайди. Бошқа

манбаларда ҳам худди шундай. Юқорида айтилгандек, Андижон шахрини ҳам шоирнинг ватани деб кўрсатувчи манбалар мавжуд. (Бу ерда шуни ҳам ёдда тутиш керакки, шоир замонида фақат Андижон орқалигина Қашғарга ўтиш мумкин эди).

Эҳтимол, шоирнинг зикр этилган шаҳарларнинг ҳар бирида маълум муддат яшаганлиги ва халқ орасида шуҳрат қозониб «ўз шоирига» айланиб қолганлиги ана шундай турлиликларга сабаб бўлгандир.

Ҳар ҳолда, Машрабнинг туғилган ерини белгилаш масаласи то яна янги материаллар аниқлангунча очиқ қолади.

Аmmo шу нарса аниқки, Машрабнинг ҳаёти ва ижоди ҳам Намангон, Андижон каби Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма йирик шаҳарлари билан боғлиқдир. Шоир бу шаҳарларнинг ҳаммасини кезиб чиққан, жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлган турли кишилар билан алоқада бўлган, суҳбатлашган. Машраб шунингдек, бир неча Шарқ мамлакатларига ҳам саёхатга чиққан, чет элда — Балх шаҳрида осиб ўлдирилган.

* * *

Бобораҳим Машрабнинг шахсияти, унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеалар ва биринчи навбатда, ишқий ва сатирик характердаги асарлари фақат Ўрта Осиё ва Қашқардагина эмас, балки

кўпгина хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам кенг шуҳрат топган эдики, жамиятдаги турли табақалар шоир ҳаёт вақтида ҳам, унинг ўлимидан кейин ҳам шоир меросига, унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеалар тизмасига бефарқ муносабатда бўлмаганлар.

Худди шунинг учун ҳам жамиятда мавжуд бўлган қарама-қарши синф вакиллари ўз синфий манфаатлари нуктаи назаридан Машрабга, унинг адабий меросига ёндошганлар, баҳолаганлар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Гафур Гулом ҳақли қайд этганидек, «Бобораҳим Машраб ижоди аллақачонлардан буён ижтимоий аҳамият касб этган бўлиб, унинг номи халқимиз ҳаёти ва тарихида мутаассибликка, ислом ақидаларига қарши курашнинг байроғи бўлиб келди. Рухоний диндорлар Машраб номини ва асарларини бор кучлари билан бадном қилишга, баъзи ҳолларда эса, унинг халқ орасидаги обрўсидан фойдаланиб, уни авлиёлаштиришга, ижодига сўфиёна тус беришга интилиб келдилар».

Меҳнаткаш халқ, оддий кишилар Бобораҳим Машрабни унинг дадил ва ботир юраги учун, шеърларининг кишини мафтун этувчи қудрати ва исёнкор руҳи учун, ёмонлик ва алдамчилик билан келишмайдиган характери учун фирибгар руҳонийларнинг, рижкор зоҳидларнинг аямай шармандасини чиқарганлиги учун севар эдилар.

Машраб шахсиятининг, асарларининг худди шу хислатлари эксплуататор синфларга, дин арбобларига ёқмас эди, уларнинг манфаатларига, обрўларига путур етказар эди.

Худди шунинг учун ҳам улар шоир ҳаёт вақтида уни кучли таъқиб остига олдилар, турли баҳоналар, тухматлар билан жазоладилар, азоб бердилар ва ниҳоят, ваҳшийларча қатл этдилар. Худди шунинг учун ҳам Машраб вафотидан кейин унинг асарларини иложи борича йўқ қилишга, жилла бўлмаса «зарарсизлантиришга» уриндилар. Бу тажовуз турли шаклларда, турли масалаларда кўринди. Машрабни авлиёлаштириш, илоҳийлаштириш, уннинг асарларини бузиб «таҳрир» қилиш, кучли мисраларни мистик мисралар билан алмаштириш ва ҳатто шоир номидан йиғлоқи, ўта реакцион асарлар тўкиб халқ орасида тарқатиш, Машраб ҳаётига сунъий равишда диний эпизодлар киритиш ва ҳоказо ва ҳоказолар шу тажовузнинг кўринишлари эди.

Машрабни халқ дилидан чиқазишга, унинг номини ўчиришга эриша олмаган ҳукмрон синф вакиллари бошқача йўл тутдилар. Машраб номини сотишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. «Эшони шоҳ Машраб», «Авлиё Машраб»лар шу йўсинда майдонга келди. Аммо, халқни алдаб бўлмайди. У ўз сеvimли шоирининг асл адабий меросини душманларнинг ана шундай тажовузларидан

сақлаб қолди, у «Эшон шоҳ Машраб», «Авлиё Машраб»лардан ўз Машрабини - Бобораҳим Валибобо бўзчи ўғли Машрабни ажрата билди ва худди шу Машрабни севди, ҳурматлади, ўз қаторига олди; шоирнинг «асл ижодини хас-хашаклар орасидан топилган дурдоналардай ардоқлаб, сақлаб, куйлаб бизнинг замонамизгача эсон-омон етказиб кела олди». (Ғафур Ғулом).

* * *

Машраб шундан бир даврда яшадики, бу давр реакциянинг кескин кучайиши, зулм ва истибдоднинг авжга миниши билан характерланади; бу даврда ҳо ким ва беклар ўртасида, катта-кичик феодаллар ўртасида ўзаро тахт, ер учун тўхтовсиз урушлар бўлиб, натижада марказий давлат емирилган, иқтисодий ҳаёт издан чиққан, мамлакат вайрон бўлган, меҳнаткаш халқ ниҳоятда эзилган эди. Машраб турли сабабларга кўра пиёда кезган бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам аҳвол худди шундай эди.

Ҳеч тасодифий эмаски, олти-етти асрлар илгари пайдо бўла бошлаган сўфий таълимот бу даврга келиб турли йўналишларда (турли фарқлар ва умумий томонлари билан) кенг тарқалди, чуқур илдиз ота бошлади. Ҳа, бу бежиз эмас. Бу вайрон, раҳм-шафқатсиз дунё халқни жонига теккан, мавжуд зулм, адолатсизлик, ғам-алам, алдамчилик,

разиллик ва қабоҳат қўпчиликни, умуман дунёга, ҳаётга, тирикчиликка салбий назар билан қарашга, ундан бешишга мойил қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам тарки дунёчилик, унга нафрат билан қараш кучайиб кетган эди. Худди шунинг учун ҳам бу вайрон «фоний дунё»дан воз кечиш, «у дунё — боқий дунё — ҳақиқий дунё» орзу-умидлари, завқу шавқи билан яшаш, унга тезроқ етишишга уриниш, унинг кўйида бутун умрни тоат-ибодат билан, худонинг ёди билан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги зоҳидлар таълимоти авж олган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ўша замонда, очлик- яланғочликдан, ороми йўқ турмушдан маълум даражада норозилик, уни қоралаш белгиси эди. Аммо бу норозилик ёмонликка нисбатан ўтакетган пассив норозилик бўлиб, у ҳар томонлама мамлакат ва меҳнаткаш халқни шу даражага келтирган ҳукмрон синф манфаатларига қўл келар эди.

Аммо, ўша даврда бу зоҳидликка нисбатан бир мунча жонли бўлган бир йўналиш ҳам бор эдики, Бобораҳим Машраб айрим томонлари билан унга ёндошган эди. Бу йўналиш, гарчи исломнинг асос негизини қабул қилса-да, худонинг мавжудлигини тан олса-да, айни замонда, шу ислом динининг қўпгина шарт-қоидаларини, шу худо «ёзган» қуръоннинг талаб-мажбуриятларини инкор этади, тан олмайди. Ана шу моментлар, аввало, Машраб ижодида ўзининг бутун қарама-қаршиликлари

билан, ички зиддиятлари билан ифодасини топди. Биз Машраб мероси билан яқиндан танишар эканмиз, унда худога ишониш ҳоллари, диний мотивлар билан тўқнашамиз. Бу табиий эди, Машрабнинг тўла-тўқис атеист бўлиши мумкин эмас эди ҳам.

Лекин, масаланинг муҳим томони шундаки, биз Машраб меросида дин ва шариатнинг энг азиз, энг муқаддас деб ҳисобланган шарт-қоидалари, фарз-суннатлари устидан кулувчи ва масхараловчи, дин арбобларининг ифлос кирдикорларини раҳмсиз фош этиб ташловчи кўпгина мисра, байтларга, ҳатто махсус шеърларга дуч келамиз. Машраб адабий меросини характерловчи ва биз учун энг аҳамиятли томонларидан бири мана шундадир.

Машраб исломнинг айрим ақидаларига шу қадар салбий муносабатда бўладики, «муқаддас» нарсаларга шунчалик катта журъат билан «тил тегизади»ки, ҳатто унинг асарларини «оққа» кўчираётган котибларнинг қўллари ана шундай ўринларни кўчиришга титраган, юраклари дов бермаган.

Шоирнинг букилмас характерини, танқидининг кучини, шеърларининг исёнкор руҳини жуда яққол кўрсатувчи ана шундай фактлардан бирини келтираамиз.

Шоир асарларини тўплаш ва ўрганиш мақсадида турли даврларда турли котиблар томонидан кўчирилган бир қатор қўл ёзмалар



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3786> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3786> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3786>